ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 59-60-61 (191-192-193) | 2000 йил 16 август, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Ватанимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг жанубий чегаралари орқали юртимизга суқилиб кирмоқчи бўлган террорчи-жангарилар гуруҳига қарши курашда жасорат ва матонат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига, оилаларига, ёру биродарларига ҳукуматимиз, бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдириб, уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида**

**Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Молия вазирликлари биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва идоравий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига тўланиши лозим бўлган маблағларни тезкорлик билан етказиб беришни таъминласин. Шунингдек, «Кафолат» суғурта компанияси белгиланган тартибда суғурта тўловларини амалга оширсин.

2. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ҳар бирига қўшимча моддий ёрдам тариқасида Вазирлар Маҳкамаси заҳира фондидан бир миллион сўм миқдорида моддий ёрдам пули тўлансин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу ёрдам пулининг тўланишини таъминласин.

3. Маҳаллий ҳокимлик идоралари:

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмуш шароити ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарур ёрдам чораларини кўрсин;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг номларини абадийлаштириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 август

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

**Ўзбекистон жанубий сарҳадларидаги вазиятнинг кескинлашуви ҳамда қўпорувчилик ҳаракатларни содир этишга интилишларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18-19 август кунлари Қримда ўтказилиши мўлжалланаётган МДҲ мамлакатлари раҳбарлари учрашувида қатнашиш имконини топмади.**

**ЎзА.**

# ҲАР КУНИНГИЗ ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ БИЛАН ТЎЛСИН

● ИСТИҚЛОЛ ИМКОНЛАРИ

## ЖИЗЗАХ МАҲАЛЛАЛАРИ МЎЪЖИЗАСИ

**Бугун биз мамлакатимизнинг қай бурчида бўлмайлик шубҳасиз шу ҳудудда истиқлол йиллари бўй кўрсатган юксалишларга дуч келамиз. Зотан юртимиз мустақиллиги мамлакатимиз халқи учун ана шундай имконият яратди. Бугун бу имкониятлар оғушида яратувчилик кайфиятида яшаш халқимизга хос ҳаёт тарзига айланиб қолди.**

Жиззахда Истиқлолдан аввалги ҳолат билан бугунни солиштирадиган бўлса, бу юртда маҳаллалар мўъжизаси юз берганлигига гувоҳ бўласиз. Хусусан, Жиззах шаҳрида деярли ҳар бир маҳалла ўз гузарига эга бўлди. Бу гузарлар номигагина эмас, балки аҳоли ҳаёти заруриятларига мос ва хос тарзда қуриб битказилган. Бу гузарлар, хусусан, Раваллиқ, Олмазор, Кўтарма, Алишер Навоий номли, Ҳамза номли маҳаллалар гузарларининг ҳар бирининг ўзига хос лойиҳаси кишини лол қолдиради. Энг муҳими, бу гузарларда тиббий-маиший хизматнинг деярли ҳамма тури бор. Тўғри, буларнинг ҳаммаси турли йўллар билан қуриб битказилган. Айтайлик, гузарлардаги битта хизмат тури маҳалла йиғини кучи билан, иккинчиси ҳомийнинг маблағига қурилган бўлса, яна бири тадбиркорнинг хусусий мулки... Аммо уларнинг ҳаммаси маҳалла йиғини йўналишида фаолият кўрсатади.

Бу борадаги муваффақиятлар ҳақида ҳар бир жиззахлик мулоҳаза юритар экан, шубҳасиз, бу мустақиллик шарофати эканлигини, шу имконият асосида вилоят ҳокимиятининг маҳаллалар фаолиятига катта эътибор қаратганлигини мамнуният билан эътироф этишади.

- Яқинда эса, - дейди вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Муқимжон Ҳасанов, - кенгаш ва бўлим учун шаҳар марказида бино қуриб битказилади. Бу бино кенглиги ва барча имкониятлари билан нафақат бизнинг фаолият юритишимиз учун, балки турли тардбиркорлик ишларини йўлга қўйиб, молиявий томондан ҳам бизга катта имконият яратади.

Жиззахдаги маҳалла гузарларини Истиқлол мўъжизалари десак, бу бино шу мўъжизанинг яна бир кўриниши бўлади. Зотан, ҳали ҳеч бир вилоят бўлими бундай имкониятга ҳозирча эга эмас.

**Ч. ЛАТИПОВ.**

## ҚЎМИТА ЭЪТИБОРИДА МАҲАЛЛА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги қўмитаси - демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси маҳаллалар ҳаётини изчил ўрганиб, унинг муаммолари, келажаги ҳақида ўз тадбирларини белгиламоқда.***

Шу мақсадда қўмита томонидан тузилган ишчи гуруҳи вилоятларда бўлмоқда.

Мазкур ишчи гуруҳи Хоразм, Наманган, Бухоро вилоятларида бўлиб, унинг натижалари асосида қўмита ўз йиғилишларида махсус қарорлар қабул қилди.

Яқинда эса ишчи гуруҳи аъзолари Сирдарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллалари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, ишчи гуруҳи аъзолари мазкур вилоятлар қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва жонкуярлари билан учрашувлар ўтказишди. Бу борада амалдаги қонуннинг бажарилиши юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Ўз мухбиримиз.**

● «MAHALLA»ГА КИМ КЕЛДИ!

## «MAHALLA» ВА ВОЛОС УЧРАШУВИ

Ўзбекистонда расмий сафар билан меҳмон бўлиб кетган Латвия давлат делегацияси қаторида ўзини ўзи бошқариш бўйича бошқарма вакиллари ҳам бор эди. Бошқарма директорининг маслаҳатчиси Андрис Крумс ҳамда халқаро бўлим бошлиғи Иоланта Смирковани республика «Маҳалла» жамғармасида ҳам бўлишди. Амалий суҳбат чоғида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов меҳмонларга мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар ва бу жараёнда ўзини ўзи бошқариш идораларининг роли ҳақида алоҳида сўзлаб берди. Ҳокимият идораларининг бир қатор ваколатлари маҳалла фуқаролар йиғини зиммасига ўтаётган бир пайтда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам бизнинг шарафли масъулиятимизга айланаяпти, деди жумладан Ш.Жалилов.

Ўзаро фикр алмашишлар давомида маълум бўлдики, Латвиядаги ўзини ўзи бошқариш бошқарув тизими ҳам анча йиллик иш тажрибасига эга экан. Хусусан, сайловларда қатнашиш, давлат бошқарувида иштирок этиш кабилар. Айниқса, кўчмас мулк солиғи уларнинг тўлиқ ихтиёрида, даромаддан солиқнинг тўртдан бир қисми, табиий ресурслардан солиқнинг маълум фоизлари уларда қолар экан.

Дарвоқе, улар истиқомат қиладиган ҳудудлар шаҳар, катта шаҳар, туман ва энг кичик ҳудуди волос деб аталар экан. Ўзини ўзи бошқарув органлари ана шу ҳудудий бўлимларга эга. Волослар худди биздаги маҳаллалар сингари хўжалик фаолияти билан шуғулланиш, тадбиркорларга микрокредит ажратиш, акцияларга эгалик қилишдан ташқари ўзлари бевосита ўқув даргоҳлари ташкил эта олар экан.

Ҳамкасабалар икки мамлакат идораларининг ўзаро ўхшаш ва ноўхшаш томонлари ҳақида фикр алмашиб, амалий мулоқотларни яна давом эттиришга келишиб олишди.

**Н.АЛИМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Самарқанд

***Энг улуғ айём - Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллик тўйи арафасида Каттақўрғон туманида ҳам қатор иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилади.***

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ — БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

Бугун ёшларимизнинг пухта билим олишлари, қай бир касбни мукаммал эгаллашлари биринчи галдаги вазифалардан бири. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Бургансой қишлоқ маҳалласида 422 ўринга мўлжалланган замонавий типдаги ўрта мактабни қуриб битказилиб фойдаланишга топширилиши қишлоқ ёшларининг қувончига қувонч қўшди. Мустақиллик шарофати билан чекка бир қишлоқда болажонларининг ёруғ, компьютерлаштирилган замонавий мактабда ўқиш бахтига муяссар бўлганлигидан ота-оналар ҳам хурсанд.

Шунингдек ушбу Соғлом авлод йилида она ва бола саломатлигини таъмин этиш, туғиш ёшидаги қишлоқ аёлларига қулайлик яратиш мақсадида Майбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини марказида 20 ўринга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналарга эга туғруққа тайёрлаш бўлими ишга тушиш арафасида.

- Ана шу муваффақиятлар самараси ўлароқ туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётда катта ижобий ўзгаришлар сари қадамлар қўйилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган иншоотлардан ташқари ўнлаб аҳолига хизмат кўрсатиш иншоотлари ишга тушиш арафасида, - дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Мирзаёр Худоёров.

**Ш.ҚАРШИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## «ЎЗБЕКИСТОН» ПАРВОЗИ



**Мустақилликдан бошлаб ҳаво кемаларимизга катта ҳарфларда «Ўзбекистон» деган ёзув пайдо бўлди. Бу рамзий маънода юртимизнинг юксак парвозини ва узоқни кўзлаб, бу мақсадда елдек учаётганига ҳам ишора бор. Шунга мос равишда юртимизни, юртимиз аҳолисини юксак манзилларга элтаётган, юксалаётган соҳаларда бири Ҳаво флоти ҳам шу кунларда ўз байрамини нишонлади.**

2-саҳифада →

## ШУ СОННИНГ

**2-саҳифасида:**

- **Маҳалла майдонларида кескин баҳс.**
- **Байрам арафасида байрам.**
- **XXI аср маҳалласи, у қандай бўлади - марҳамат фикрингиз.**
- **Туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва ажралиш кабиларни қайд қилиш қаерда ва қандай амалга оширилади?**

**3-саҳифасида:**

- **Оқсоқолни ким ҳимоя қилади?**
- **Бойсун кўмир кони АҚШнинг «Женерал карбон Корпорейшн» компанияси билан иш олиб бормоқда.**
- **Шунингдек, ғаройиб ҳодиса, марказий ва хориж хабарлари.**

**4-саҳифасида:**

- **Мотам маросимларини дабдабали ўтказиш бизга меросми ёки... (Муҳокама учун мавзу).**
- **Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг навбатдаги маърузаси.**
- **Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» номли тазкирасида ўзига замондош шоирлар ҳақидагина эмас, бошқа кишилар, турли касб эгалари, яхши одамлар ва одамгарчиликни жойига қўймаган таниш-билишлари тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдириб кетган.**

## «МАҲАЛЛА» МАЙДОНИ ДУНЁ МАЙДОНИДАН ҲАМ КАТТА

**Ҳа бу иборада муболаға йўқ. Бугун маҳалла футболчи болаларининг ҳисобига етолмайсиз. Сиз ҳар куни телеэкранда кўрганингиз, газета саҳифаларида ўқиганингиз - маҳалла болалари футболи ҳақидаги хабарларда ҳеч бир муболаға йўқ. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси соврини учун бўлаётган мусобақа шу даражада кенг кўлам олдики, назаримизда бутун Ўзбекистон болаларини футбол кийимида тасаввур қилишга ўрганиб қолдик. Аслида ҳам шундай. Бугун ҳар бир бола футбол ўйнашни орзу қилмоқда ва орзусига фақат «Маҳалла» орқали эришишига ишонмоқда.**

2-саҳифада →

## «MAHALLA»НИНГ ЖАСОРАТ ВА ХОТИРА БУРЧАГИ

**Бугун бутун мамлакатимиз аҳолиси, бутун тинчликпарвар инсоният Сурхон тоғларига яшириниб олиб, Ўзбекистон ва унинг халқи тинчлигига дахл солмоқчи бўлганликларини қораламоқда. Минг шукрким, Ватан қалқонлари бунга йўл қўймади. Эрта-индин буларни бутунлай йўқ қилиб ташлашга халқни, Ватанни ишонтирмоқда. Халқ, Ватан ҳам бунга ишонади ва албатта бу босқинчилар нафақат Ўзбекистон ҳудудидан балки, умуман ер юзидан йўқ қилиб ташланишига шубҳа йўқ. Фақат юракларда бир армон бўлдики, бу ҳам бўлса, шу жангларда беш нафар ўғлонларимизни қурбон бердик. Йўқ, қурбон бермадик, улар бизнинг тинчлигимиз учун ўз жонларидан кечиб, қаҳрамонларча душман йўлига ғов бўлдилар. Булар тўғри маънодаги қаҳрамонларимиздир.**

**«Mahalla» газетаси таҳририяти ўз саҳифасида жасорат ва хотира бурчагини очди. Бу ерда илк бор ушбу марду майдонларимизнинг номи битилди. Маҳалладошлар, «Mahalla» муштарийлари абадул абад бу номларни унутмайдилар:**

**Лейтенант САДИНОВ Сайёр Саидович,**
**Катта лейтенант САЛИМОВ Алишер Сатторович,**
**Лейтенант ҒАНИЕВ Бобуржон Абдулҳамидович,**
**Катта сержант РАЖАПОВ Маъруфжон Ахмадович,**
**Сержант БАРНОЕВ Улуғбек Абдуллаевич.**

## ЛОҚАЙДЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

**Бугунги кунда халқаро терроризмнинг нафақат юртимизга, балки бутун Марказий Осиё минтақасига хавф солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ҳамда Узун туманларида кечаётган ташвишли воқеалар фикримизнинг далили бўла олади. Ҳудуд ва миллат танламайдиган халқаро терроризмнинг олдини олиш чора-тадбирлари нималардан иборат? Бу борада омма ўртасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини қай тариқа ташкил этиш лозим?**

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашида «Халқаро терроризм ва унинг минтақамизга таҳдиди» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Уни Кенгаш масъул котиби А.Болиев бошқарди. Учрашувда мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрларнинг бош муҳаррирлари, «Маънавият ва маърифат» марказларининг Тошкент шаҳри, вилоят ва туман бўлимлари масъуллари, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, халқимиз тинчлиги ва осойишталигига путур етказиш ниятида бўлган ёвуз кучлар ўз ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тоймаяпти. Мамлакатимиз ўзи танлаб олган тараққиёт йўлидан дадил олға бораётгани уларга тинчлик бермаётир. Бундай шароитда уларнинг манфур кирдикорларини аёвсиз фош этиш, бу борада олиб борилаётган ишлардан аҳолини тезкор ва ҳаққоний хабардор қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг Сурхондарё воқеаларини бутунлай нотўғри талқин этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, бепарволик, лоқайдликка барҳам бериб, маҳаллалар, фуқаролар ва айниқса ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш керак. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни айниқса бекиёсдир.

Анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, олис қишлоқлари, маҳаллаларда халқаро терроризмнинг асл башарасини фош этувчи суҳбатлар ва учрашувлар уюштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада самарали олиб бориш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**Назокат Усмонова,**
**ЎзА мухбири.**

## ПАХТАКОРДА ТЎРТ ЭГИЗАК ДУНЁГА КЕЛДИ

10 август Жиззах вилоятининг Пахтакор шаҳарчаси, Беруний кўчаси 5 уйда истиқомат қилувчи Холида Насриддинова ҳаётида унитилмас қувончли кун бўлиб қолди. 22 яшар бу аёл шу куни тўрт нафар эгизакни дунёга келтирди.

— Эгизакларнинг тўртталаси ҳам ўғил эди, - дейди биз билан суҳбатда Пахтакор тумани марказий шифохонаси бош врачининг ўринбосари Абдумурот Рўзимуродов. — Уларнинг 3 таси шифокорларимиз назорати остида ҳаёт кечиришяпти, 1 таси туғилган куни ҳаётдан кўз юмди. Чақалоқлар, 7 кундирки, онасидан ажралган ҳолда парвариш қилинмоқда.

— Бош фарзандимиз ўғил эди, унинг эгизак укалари ҳам ўғил бўлди. Мустақиллик байрами арафасида эгизакларимнинг дунёга келиши байрам устига байрам бўладиган бўлди, - дейди қувончини яширолмай Холида.

**Йўлчи Жўра,**
**ЎзА мухбири.**

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:** 148

**Ҳомий:**
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:**
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси,41-уй

**Телефонлар:**
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

